

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**335 Қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун ҳар йиллик шартнома кампаниясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2016 йиллар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада замонавийлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2012 йил 21 майдаги ПҚ–1758-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун ҳар йиллик шартнома кампаниясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари 2012 йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун мувофиқлаштирилган шартнома кампаниясининг жорий йилнинг 1 октябрига қадар ўтказилишини таъминласинлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун ўтказилган мувофиқлаштирилган шартнома кампанияси якунлари тўғрисидаги тўлиқ ахборотни жорий йилнинг 15 октябридан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасининг асосий турлари бўйича саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши прогноз кўрсаткичларини, шунингдек республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа муҳим прогноз кўрсаткичларини шакллантиришда ўтказилган шартнома кампанияси якунлари бўйича келгуси календарь йил учун қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва уларни етказиб бериш прогнозини эътиборга олсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 7 апрелдаги ПҚ–832-сон қарори билан ташкил қилинган Қишлоқ хўжалик техникасига бўлган ҳар йилги талаб-эҳтиёжни белгилаш бўйича Махсус комиссия ишлари доирасида ҳар йили 1 декабрдан кечикмасдан келгуси календарь йил учун шартнома кампанияси маълумотлари асосида қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва уларни етказиб бериш ҳажми бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2012 йил 1 августгача

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

бўлган муддатда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, уларнинг расмий дистрибьюторлари ва дилерлик ташкилотлари, бошқа жалб қилинган хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун намунавий шартномалар шаклларини ишлаб чиқсин ва келишсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йил учун қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг асосий параметрлари тўғрисида» 2010 йил 7 июлдаги 138-сон қарорининг 4-банди ва қарорга 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 14 июль,
217-сон